

## Фикҳ дарслари (125-дарс). Истеҳоза ва узрлиларнинг ҳукмлари



13:30 / 25.02.2021 4794

*(биринчи мақола)*

يَلْعَبُ وَآءُ رَشَعٍ وَهُوَ آءُ اَدْتَبُ مُلِ اِضْيَحَ يَلْعَبُ دَارُ وَآءُ اِضْيَحُ لَلِ اَلْقَا نَعَ صَقَانِ اَمَو  
لْمِ اَخْتَارِ اَمَو ، اُمَةٌ كَزَ اَزَ وَا حَ و ، اَمَهِي فِ اِدَا لَلِ اِلْعَ وَا ، نِ وُعَبْ رَا وُهَو ، اَسَ اَفِن  
اِطَو اَلْ وَا مَوْصِ اَلْ وَا لَصُعْ نَمَتِ اَلْ ءُ صَا حَتِّ سَا .

Ҳайзнинг озидан кам бўлган ёки дастлаб ҳайз кўрувчининг ҳайзидан зиёда бўлган - у ўн кундир, - ёки (дастлаб) нифос кўрувчининг нифосидан зиёда бўлган- у қирқ кундир, - ёки иккисидаги одатга зиёда бўлиб, иккисининг кўпидан ҳам ортиб кетган ҳамда ҳомиладор кўрган нарса истеҳозадир.

У намозни ҳам, рўзани ҳам, жинсий яқинликни ҳам ман қилмайди.

*Узрлиларнинг ҳукмлари*

وَأَفْأَعُزُّوْا إِصْحَاحَ نَسَائِنُمُتَدَحِّوْبَ وَالْإِضْرَافُتَقَوَّهِيَ لَعَضْمَيْ مَلْنَمَو  
أَضْرَفْءَاشْ أَمْهِي فَوْبِ يَلْمُيَوِ وَهُلْضَرَفْلِكْتَقَوْلُأَضْوَتَيْ: أَمْوَوَحْن  
لْأَوْزَلْأَكُهُلْوُخُدْ أَلْءَسْمُشْلْءِءُلْطِكْتَقَوْلُأَجْوُخُهُصُقُنَيْو. أَلْفَنَو

**Кимга фарзнинг вақти ўтмасидан истеҳоза, бурун қонаши ёки шуларга ўхшаш бетаҳоратлик етиб туриши одат бўлиб қолган бўлса, бунинг сабабидан ҳар фарзнинг вақтига таҳорат қилади ва у билан ўша вақтда хоҳлаганича фарз ёки нафлни ўқийверади.**

Бундай таҳоратни қуёш чиқишига ўхшаш вақтнинг чиқиши синдиради, заволга ўхшаш вақтнинг кириши эмас.

Энди ушбу матнларни шарҳ қилишга ўтайлик.

Ҳайзнинг озидан кам бўлган ва дастлаб ҳайз кўрувчининг ҳайзидан зиёда бўлган – у ўн кундир, – ёки (дастлаб) нифос кўрувчининг нифосидан зиёда бўлган– у қирқ кундир, – ёки иккисидаги одатга зиёда бўлиб, иккисининг кўпидан ҳам ортиб кетган ҳамда ҳомиладор кўрган нарса истеҳозадир.

Фикҳий таърифга кўра, «истеҳоза» аёл кишининг раҳмидан одат(ҳайз ва нифос)дан ташқари қон оқишидир.

Матннинг юқоридаги жумлаларида аёл киши кўрадиган қонларнинг қайсилари истеҳоза бўлиши тушунтирилмоқда.

1. Ҳайзнинг озидан кам бўлган.

Ҳайзнинг ози уч кундир. Демак, аёл кишидан уч кундан оз муддат қон келса, бу истеҳозадир.

2. Дастлаб ҳайз кўрувчининг ҳайзидан зиёда бўлган – у ўн кундир.

Ҳайзнинг кўпи ўн кун. Ўн кундан кейин келган қон ҳайз бўлиши мумкин эмас. Биринчи бор ҳайз кўрувчининг қони давомли келиб турса, ўн кунгачаси ҳайз ҳисобланади, ундан зиёда келган қон истеҳозадир.

3. (Дастлаб) нифос кўрувчининг нифосидан зиёда бўлган – у қирқ кундир.

Нифоснинг кўпи қирқ кундир. Қирқ кундан ортиқ нифос бўлиши мумкин эмас. Биринчи бор нифос кўрувчининг қони давомли келиб турса, қирқ

кунгачаси нифос ҳисобланади. Ундан зиёда келган қон истехозадир. Бу биринчи қон кўрувчининг қони ҳар доим ҳам ўн кун ёки биринчи нифос кўрувчини қирқ кун бўлади, дегани эмас. Аслида биринчи ҳайз кўрувчи аксарият ҳолларда ўн кундан оз, биринчи нифос кўрувчи қирқ кундан оз қон кўради. Матнда эса баъзи аёлларда учраб турадиган ҳолатнинг, яъни ҳайзда ўн кундан кейин, нифосда қирқ кундан кейин ҳам тўхтамаганларники баён қилинган.

4-5. Иккисидаги одатга зиёда бўлиб, иккисининг кўпидан ҳам ортиб кетган нарса.

Яъни, дастлаб ҳайз ёки нифос кўргандаги одат эътиборга олинади. Ҳайз кўрувчининг одати уч кун билан ўн куннинг орасида бўлади. Нифос кўрувчининг одати қирқ кунгача бўлади.

Мисол учун, дастлаб беш кун ҳайз кўрган аёлга кейинги сафар беш кун ҳайз кўриш одат бўлиб қолади.

Дастлаб ўттиз кун нифос кўрган аёлга кейинги сафар ўттиз кун нифос кўриш одат бўлиб қолади.

Ҳайз ўн кундан, нифос қирқ кундан ортиб кетса, ортиғи истехоза бўлади.

Одатдан ортиб, кўпига етмаса, ҳайз ёки нифосга қўшилади.

Мисол учун: бир аёлнинг ҳайз одати беш кун эди. Аммо бу сафар беш кундан ўтиб кетди. Ўн кунгача қон тўхтаса, ҳайз ҳисобланаверади. Ўн кундан ошиб кетса, одатдагиси ҳайз, қолгани истехоза бўлади.

Бир аёлнинг одати ўттиз кун нифос кўриш эди. Аммо бу сафар ўттиз кундан ўтиб кетди. Қирқ кунгача қон тўхтаса, нифос ҳисобланаверади. Қирқ кундан ошса, ўттиз кундагиси нифос, ундан ошгани истехоза бўлади.

6. Ҳамда ҳомиладор кўрган нарса истехозадир.

Ҳар бир ҳомиладор аёл кўрган қон истехозадир. Чунки ҳомиладорлик вақтида ҳайз кўриш йўқ. Туғмагунича нифос кўриш ҳам йўқ.

У намозни ҳам, рўзани ҳам, жинсий яқинликни ҳам ман қилмайди.

*(Давоми бор)*

**«Кифоя» китобининг биринчи жузидан**

